

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

1 Сухбат чоғида Т. Норбоева ассоциация томонидан ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилаётгани ва уларнинг самарали натижаларига кўра, дунё бўйлаб ижтимоий таъминот механизмларини ишлаб чиқиш бўйича муҳим тақлифлар тайёрланаётганига тўхталиб ўтди. Бу, ўз навбатида, ассоциациянинг ижтимоий таъминот соҳасида нуфузли халқаро механизм сифатидаги глобал роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

М. Каэтано Ўзбекистон томонидан ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маса-

ласи давлат сиёсатининг устувор вазифаси даражасига кўтарилаётгани диққатга сазовор эканлигини қайд этди. У мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислохотлар, хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилишига тўхталаркан, глобал микёсда аҳамияти нисбатда ортиб бораётган масалаларни ҳал этишда бундай ихтисослаштирилган идора муҳим ўрин тутishiга ургу берди. Шу муносабат билан Бош қотиб Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси Ўзбекистонда янги ташкил этилган агентлик билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишга тайёрглигини билдирди.

Мулоқот якунида Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси билан аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилишни фаол ва ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан истиқболли лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга қелишиб олинди.

Шунингдек, Т. Норбоева Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар билан ишлаш бюроси директори Мария Хелена Андре билан мулоқот ўтказди.

Сухбат чоғида муносиб меҳнат ва ижтимоий ҳимоя тамойилларини жорий этиш, норасмий бандликка қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини асосий даромад билан таъминлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Т. Норбоевнинг таъкидлашича, бюро бугунги кунда турли давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам меҳнат муносабатлари соҳасидаги долзарб институционал муаммоларни ҳал этишда кўмак кўрсатмоқда, пировардида эса Ўзбекистон қасаба уюшмалари ва бошқа тузилмалар билан минтақавий ва глобал ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

— Биз бандликни яхшилаш, норасмий иқтисодиётни қисқартириш ва ижтимоий ҳимомга қаратилган тизимли чора-тадбирларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдоримиз ҳамда Қасаба уюшмалари федерацияси, айниқса, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг салоҳиятини оширишда ХМТнинг фаол ишти-

Ўзбекистон — Италия: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР МУСТАҚКАМЛАНМОҚДА



1 2014 йил декабрь ойида Италияда Кураш миллий ассоциацияси ташкил этилиши ўзбек миллий спорт тўрига алоҳида эътибор ифодаси бўлди. Самарқанддаги “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалида Италия вакиллари мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Италия Республикалари ҳукуматлари ўртасида 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик дастури имзоланган бўлиб, унинг доирасида таълим, туризм, маданият, санъат, спорт, археология соҳаларини янада ривожлантириш, маданий мерос объектларини реставрация қилиш, сақлаш ва муҳофаза этиш, архивлар, кутубхоналар ва нашриётлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бухоро давлат университети ҳам Италия олий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, олийгоҳимиз ушбу Европа давлатининг Падуа, Пиза, Аквила университетлари билан алоқалар ўрнатган бўлиб, ўзаро профессор-ўқитувчи ва талаба алмашинуви йўлга қўйилган, биргаликда халқаро лойиҳалар, илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Масалан, Аквила университети билан қўш раҳбарлик асосида докторантура дастури доирасида ҳозирга қадар 2 нафар тадқиқотчимиз ўз илмий тадқиқотларини муваффақиятли якунлаб, ушбу олийгоҳнинг фалсафа доктори дипломини қўлга киритди. Профессор-ўқитувчиларимиз Падуа университетидан ташкил қилинадиган халқ-

аро ёзги мактабларда қатнашиб келмоқда.

Жорий йил 19 — 23 май кунлари Пезаро шаҳрида “Ўзбекистон маданияти ҳафталиги” ўтказилиб, университетимиз вакиллари унда фаол қатнашди. Ҳафталик доирасида талабаларимиз ўз бадий чизишларини намойиш этди. Уларнинг мусиқий дастури кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

Шу билан бирга, университетнинг бир қатор кафедралари, таълим йўналишлари туризм соҳасида ҳам италиялик соҳа мутасаддилари, мутахассислари билан илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорликда Шарқнинг дурдонаси, Ўзбекистоннинг бетакор ташриф манзилларидан бири бўлган Бухорода туризмни янада ривожлантиришда Италия тажрибаси кенг ўрганилмоқда ҳамда амалиётга татбиқ этилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг Италияга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга кўтарди. Ташриф давомида эришилган қелишувлар давлатларимиз тараққиётининг янада жадаллашишига хизмат қилади. Халқларимизнинг тотувлиқда, тинч ва фаровон яшashi, оруз-мақсадлари ушланиши учун зарур имкониятларни тўла юзага чиқаришга замин яратди.

Белгиланган вазифалар ижроси тегишли мутасаддилар билан биргаликда биз, таълим тизими вакиллари ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, олийгоҳимизда таълим сифатини янада ошириб, Италия олий ўқув юртлиари билан ҳамкорлиқни янада кенгайтирсак, нафақат ўз соҳасининг билимдони бўлган, балки бугунги давр талабаларини чуқур англайдиган ва уларга ўз фаолияти билан жавоб берадиган, замонавий кадрларни қамолга еткази оламиз. Улар эса Ўзбекистон ва Италия ҳамкорлиги ривожига катта ҳисса қўлади.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори, профессор.

Сенатор ва ҳаёт МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Кейинги йилларда юртимизда инсон қадр-қимматини юксалтиришга қаратилган, очиқлик ҳамда шаффофликка асосланган ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар тобора кенгайиб бораётир. Бу борада, айниқса, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили асосида аҳолининг ижтимоий муаммоларига ечим топиш тизими йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буни Олий Мажлис Сенатининг шу йўналишдаги фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, сенаторлар ҳудудлардаги ўрганишлари давомида фуқаролардан тушган мурожаатларни ўз назоратиغا олиб, ижобий ҳал қилиш чораларини кўрмоқда.

Сенаторларнинг Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги ўрганишлари давомида туманнинг Янгигер маҳалласидаги Бобур кўчасида истиқомат

қилувчи М. Шербўтаева тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратилиши ҳамда “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлишида амалий ёрдам кўрсатилиши юзасидан мурожаат қилган эди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида бу аёл “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлди. Унга туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун бино ва

тикув машиналари ажратилди. Айни чоғда М. Шербўтаева “Хунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликда “Уста — шогирд” анъанаси асосида мактаб очиш ҳаракатида.

Туманнинг Янгигер маҳалласидаги Миришкор кўчасида яшовчи И. Ҳамидова ҳам тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва кредит ажратилиши ҳамда “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлишда амалий ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилганди. Қисқа вақт давомида қўрилган чоралар натижасида И. Ҳамидова зардўлик йўналишида “Хунарманд” уюшмаси аъзоси сифатида рўйхатга олинди.

Шунингдек, бошқа фуқароларнинг мурожаатлари сенаторлар томонидан ўрганилмоқда.

«Халқ сўзи».

ЙИРИК ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Фаргона вилоятида бўлиб турган Хитойнинг “Jianhua Ceramics” компанияси раҳбари Ву Хон Цянь бошчилигидаги сармоядорлар делегацияси ва вилоят ишбилармонлари ўртасида бир қатор қелишувларга эришилди.

Инвестиция

Хусусан, Фаргона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров билан ўтказилган мулоқотда “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ҳудудида керамика маҳсулотлари ва кафель ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестициявий лойиҳа истиқболлари кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани тўғрйли керамика маҳсулотлари ва кафель ишлаб чиқаришга эҳтиёж катта. Шу боис “Jianhua Ceramics” томонидан режалаштирилаётган лойиҳа доирасида иккита йирик ишлаб чиқариш тармоғини ташкил этиш, шунингдек, сантехника буюмлари тайёрлашни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозор эҳтиёжидан ташқари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинади.

— 2023 йилнинг беш ойида 84 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилиб, умумий қиймати 1 триллион 108 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ҳамда 46,6 миллион долларлик экспорт амалга оширилди, — дейди “Кўқон” ЭИЗ раҳбари Фаррух Раҳмонов. — Умуман олганда, 713,7 гектар майдонда жойлашган эркин иқтисодий зонада умумий қиймати 688 миллион доллар бўлган 129 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этиляпти. Бу лойиҳалар тўлиқ амалга оширилгач ҳудудда 15 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

АГРАР ТАРМОҚ РИВОЖИ — ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ГАРОВИ



1 Хусусан, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинди.

Шунингдек, янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умумийлиги бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидалиги белгиланган бўлибди.

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялли ички маҳсулотларнинг қарийб 30 фоизини ташкил этади. Аграр тармоқда 4 миллион нафарга яқин ишчи-хизматчилар фаолият юритмоқда. Қолаверса, юртдошларимизнинг ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини инобатга олсак, соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жамиятга дахлдор муҳим воқелик сифатида баҳолашни лозим.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, охириги етти йилда аграр соҳани ислох қилиш, қишлоқ ҳўжалигига маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантириш, озиқ-овқат тармоғини барқарор ривожлантириш, чорвачиликни қўллаб-қувватлашга қаратилган 200 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар қабул қилиниб, соҳада давлат сиёсатини янгилаш ёндашувлар асосида юритиш тизими яратилди.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари мустақкамланди

Аграр тармоқни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қафоллати ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида тизимли равишда қонунчилик ҳўжатлари тақомиллаштирилиб боришмоқда.

Жумладан, “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, томорқа

ҳўжаликларини юритишни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Қонунда шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа ҳўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, томорқа ҳўжаликларини юритишни уюштириш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги республика иқро этувчи ҳокимият ва ҳўжалик бошқаруви органларининг вазифалари ҳам белгилаб қўйилди.

Томорқа ҳўжаликларини эркин ва мустақил равишда бошқариш, етиштирилган ёки қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини эркин реализация қилиш, мустақил равишда нархни белгиллаш, бозорларда, савдо шохобчаларида эркин реализацияси бўйича қафоллатлар белгиланди.

Шу билан бирга, деҳқон ҳўжаликларини йўлга қўйиш ва юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳўжат билан деҳқон ҳўжалигини ташкил этиш ва ҳисобга қўйиш ёки деҳқон ҳўжалигини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, ер участкасини фойдаланиш шартлари ва сув истеъмоли, деҳқон ҳўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари аниқ кўрсатиб ўтилди.

Деҳқон ҳўжалиги ўз ихтисослашувини, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг турлари ва ҳажмларини, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларни ўтказиш усулларини мустақил белгиллаш ўз ақсини топди.

Бундан ташқари, “Ер муносабатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартиби жорий этилди.

Ерга оид мулклий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорлиқни таъминлаш, ернинг иқтисодий қийматини белгиллаш орқали уни фуқаролар ҳуқуқий муносабатлар объектиси сифатида эркин муомалага киритиш ер участкасини ёки унинг бир қисмини фақатгина жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби белгиланди.

Аҳамиятлики, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ўзига ҳос мураккаблиги эътиборга олинган ҳолда ушбу соҳада фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларнинг машаққатли меҳнатларини қадрлашга алоҳида эътибор қаратилиб, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ҳодимлари кўнини белгиллаш тўғрисида”ги Қонун билан декабрь ойининг иккинчи яқанбаси қишлоқ ҳўжалиги ҳодимлари кўни этиб белгиланди. Бунни мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш борасида кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий ифодаси деб баҳолаш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш зарурати

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда аҳолининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромадларини ошириш, шунингдек, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришни кенгайтириш мақсадида фуқароларга зарур шароитлар яратилмоқда.

Бугунги кунда республикаимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 60 дан кўп мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Бунда мева-сабзавотлар ва дуққалик маҳсулотларнинг экспорт ҳажми охириги етти йилда қарийб 2 баробарга ошгани эътиборга молик. Албатта, бу каби натижаларга эришишда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фермер ҳўжаликлари, агрокластерлар ва мева-сабзавотчилик кластерларининг ўрни бекиёс.

Бир мисол, 2022 йилнинг ўзида фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарининг ерларига жами 1,5 млн. гектар, шундан асосий майдонга 523 минг гектар, боғ ва тоқ орасига 130 минг гектар ҳамда қалладан бўшган тақорий майдонга 830 минг гектар озиқ-овқат экинлари экилган. Сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 23 минг гектар интенсив усулда сабзавотлар плантацияи шаклида экилган. Ҳудудлардаги ўрганишларда гувоҳи бўлдикки, бу борадаги ишлар ҳажмининг жорий йилда янада ошириш лозим экан ва бу бўйича зарур чоралар қўрилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бундан 5-6 йил илгари даромад топиб, оиласига нафи тегиши, халқимиз дастурхони тўкин бўлиши учун фуқароларимизга ер берилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. 2021 йил амалиётга киритилган пахта ва қалладан қисқартирилаётган ер майдонларида экспортбоқ қишлоқ ҳўжалиги экинлари экишни қўлайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизими яратилди.

Хусусан, сув таъминоти яхши бўлган пахта ва қалладан қисқартирилган 200 минг гектар ер майдонлари деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш орқали сабзавотчилик, полиз, дуққалик, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 30 йилга ижарага беришмоқда.

Бунда Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўзимларда сув таъмино-

ти яхши бўлган ер участкалари ажратилляпти.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, қилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш мумкин. Шунингдек, ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик ривожлантирилиб, кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуққалик, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”да рўйхатда турган эҳтиёжманда оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланмоқда.

Хусусан, 2021 йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ери аҳолига деҳқончилик қилиш учун ажратилган бўлиб, натижада 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилган, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон ҳўжаликлари ташкил қилинган. Асосийси, 1 миллион 200 мингдан зиёд фуқароларимиз бандлиги таъминланиб, даромадларининг қўлайлишига эришилган.

Бу борадаги ислохотлар давом эттирилиб, жорий йилда ҳам сув таъминоти яхши 100 минг гектар қўшимча экин майдонлари аҳолига ажратилиши бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бу эса 1 миллиондан ортиқ иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлиги таъминланишига хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, республика аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда бозорларда маҳсулотларнинг нарх барқарорлигини сақлаш мақсадида аграр соҳада юқори қўшилган қиймат заنجирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар аҳамиятга соҳани қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, бу каби ишларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Сув тежовчи технологиялар янада кенг жорий этилади

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонини ўсishi ва иқтисодиёт тармоқларининг кенгайиши сувга бўлган талаб ортишига ва сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Тахлилларга кўра, фойдаланишдан ўртача йиллик сув мйдори 51 — 53 млрд. куб метр бўлиб, шунинг 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан олинган ва бу ажратилган сув лимитига нисбатан 20 фоиз қисқарган.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда



қишлоқ ҳўжалигининг ажралмас қисми ҳисобланган сув ҳўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқаришда илмий ёндашиш, соҳага сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш орқали ерларнинг мелioraтив ҳолатини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни тақомиллаштириш билан бирга сув ҳўжалигини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилинди.

Концепцияда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоғини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелioraтив ҳолатини яхшилаш, сув ҳўжалигига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув ҳўжалиги объектларининг ишончили ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш белгиланган бўлибди.

Бугун сув ресурсларидан нафақат самарали фойдаланиш, балки илмий ёндашиш орқали томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини кенг жорий этиш натижасида юқори ҳосилдорликка эришиш, тўпроқ табиий унумдорлигини сақлаб қолиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бундан нафақат фермер ҳўжаликлари, балки деҳқон ҳўжаликлари ҳам ирригация ва мелioraция хизматларини кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Айни чоғда сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, йирик сув ҳўжалиги объектларининг рақамли технологиялар асосида бошқарилиши ташкил этилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш давлат томонидан рағбатлантириб келинмоқда. Бундан ташқари, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатлар ривожланмоқда. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасида дўстона муҳит яратилиб, сув ресурсларини биргаликда бошқариш механизмлари қўлланиляпти.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича ривожланган давлатларнинг, жумладан, Туркия, Хитой, Австр-

ралия, АҚШ ва бошқаларнинг илғор тажрибалари синовдан ўтказилган. Бунда республикаимизда томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет каби усулларда суғориш, шунингдек, ерларни лазер усулида ер текислагичлар билан текислаш технологиялари жорий қилинмоқда.

Ушбу ишлар тизимли ва ўз вақтида бажариб борилаётган сув таққислиги муаммоларини ҳал этиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қўлайликлар яратиш, иқлим барқарорлигини ҳамда аҳолини зулуксиз равишда сифатли ва арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беряпти.

Ривожланиш сари галдаги вазифалар

Жаҳон бозорига йилдан-йилга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур уруғлар, минерал ўғитлар ва ёнилғи нархлари охиб бораётгани мамлакатимизда ҳам нарх-наво ўсишини янада тезлаштириши мумкин. Бундай шароитда ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий чораси озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришни қўлайтириш лозим.

Шунингдек, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулотлар ҳосилдорлигини кўтариш, қалладан бўшган майдонларда тақорий экин экиш ишларини режалаштириш, аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чораларини қўйишимиз зарур.

Худудларда мажхуд имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда янги ерларни ўзлаштириш, бунда ҳудуд иқлимидан келиб чиқиб маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш, аҳолининг томорқасидан самарали фойдаланиш механизмларини ҳам яратиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар халқимизнинг фаровон турмуш кечирishiга, юртимиз тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, қишлоқ ҳўжалиги ривожини фаровонлик, барқарор тараққиёт ва озиқ-овқат хавфсизлиги гаровидир.

Раован ҲАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Бугун юртимизда кечаётган Президент сайлови жараёни нафақат сайловчилар, балки минтақамиз, жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат марказида бўлиб турибди. Зеро, бу муҳим сиёсий жараён буюк ўзгаришлар остонасида турган Ўзбекистонимизнинг яқин ва узоқ келажақдаги тараққиётини ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлаш, бу борада олдимизда турган, ўз жавобини кутаётган ўткир саволлар ва долзарб вазифалар ечимини топишда тарихий аҳамият касб этади.

Таҳлилчилар юртимизда **Шавкат Миромонович Мирзиёев илгари сурган, пировард мақсади ҳар қайси шахс, инсон, ҳар бир оиланинг эркин, фаровон ва тинч ҳаёт ҳақидаги эзгу ният ва орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўлган ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган давлат — Янги Ўзбекистонни қуришга қаратилган шиддатли ва туб ислохотлар натижаларини юксак баҳоламакда.**

Зеро, сўнгги олти йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми **52** миллиард доллардан **80** миллиард долларга ошди ва бу мамлакатимиз жадал ривожланаётганининг муҳим кўрсаткичидир.

Мавжуд салоҳиятимизга таяниб, **номзодимиз Шавкат Мирзиёев** томонидан янада юксак марралар белгиланмокда.

Бундаги бош мақсадлар:

- 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини **2 баробар** ошириб, **160 миллиард** долларга етказиш;
- аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини эса, ҳозирги 2,2 минг доллардан **4 минг** долларга ошириш;
- натижада Ўзбекистон даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришини таъминлаш.

Бу қандай амалга оширилади?

Илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш

Ҳозирги давримиз дунёнинг етакчи мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби”, “Ақли иқтисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт”га ўтаётгани билан тавсифланади.

Бундай шароитда илғор технологияларга асосланган, инновация ва илмий тараққиёт — миллий иқтисодиётимиз равнақи учун барқарор пойдевор ҳисобланади. Шу боис Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра, мамлакатимизни 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган инновацион ривожлантириш стратегияси амалга оширилди, 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси тасдиқланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмокда.

Номзодимиз ўз олдига нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш ва бу орқали меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш бўйича зарур чоралар қуриш вазифасини қўймоқда.

Бу борада партиямиздан номзоднинг Сайловолди дастурида кейинги йилларда Олмалиқда 3 та мис бойитиш фабрикаси ва янги мис эритиш заводи, Оҳангарон мисни қайта ишлаш кластери, Навоий, Қўнғирот ва Қорақўлда йирик кимё-полимер кластерлари, Тошкент ва Навоий вилоятларида фосфорит хомашёсидан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси, Тебінбулоқ ва Ғалларолда темир ишлаб чиқариш маҳмуалари каби стратегик меғалойихаларни ишга тушириш белгиланган.

Натижада 2030 йилгача юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган **мис ишлаб чиқариш — 3,5 баробар, олтин — 1,5 қарра, қумуш — 3 марта, уран — 3 баробар** оширилади.

Автомобилсозлик соҳасида 4 та нуфузли хорижий компаниянинг лойиҳаларини ишга тушириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажми йилига **1 миллион** дончага, саноатда қўшилган қиймат ҳажми

20 миллиард доллардан 45 миллиард долларга етказилади. Янги Ўзбекистон иқтисодиёти мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш эвазига инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантирилади.

Илмга асосланган, юқори даромадли, экспортбон маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт илмий фикрнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Зеро, илмга асосланган “ақли ёки билимлар иқтисодиёти”, бу — инновациялар, янги гоялар ва ижодий маҳсулотларга асосланган самарадор иқтисодиёт.

Шу мақсадда сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда мамлакатимиз фан ва иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишда қатор тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмокда.

Навбатдаги муҳим қадамлар сифатида номзодимиз тайёр маҳсулот билан ташқи бозорларга чиқиш учун **Жаҳон савдо ташкилотига албатта аъзо бўлишимизни** назарда тутиб, корхоналаримиз очик ва кучли рақобатга тайёр бўлиши учун зарур чораларни белгиланган. Юқори қўшилган қийматли, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида **Саноатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ва унга 1 миллиард доллар ажратиш назарда тутилмокда.**

2030 йилга қадар **50** та нуфузли хорижий брендлар билан махсус экспорт зоналарини ташкил қилиш, тадбиркорларга **“тайёр бизнес”** шаклида бино бериш мақсадида саноат ипотекаси тизимини тўлиқ йўлга қўйиш, ҳар бир туманда камиди мингта иш ўрни яратадиган **2** тадан янги саноат зонасини ташкил этиш ҳамда **ахборот технологиялари** хизматлари экспортни **5** миллиард долларга олиб чиқиш таъминланади. Умуман, 2030 йилга қадар жами экспорт ҳажмини **2** баробар ошириб, **45** миллиард долларга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланмокда.

Шу ўринда номзодимизнинг инвестициявий ва технологик шериклик соҳасида рақамли ўзаро боғлиқлик борасида **“Европа жамоаси”** механизминдан фойдаланган ҳолда, **“Марказий Осиё учун рақамли кун тартиби”**ни ишлаб чиқиш таклифи ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланганини таъкидлаш жоиз.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш

Бугунги кунда башариёт дуч келаётган иқлим ўзгариши, Орол денгизи ҳалокати ва бошқа экологик инқирозлар оқибатларини енгиб ўтиш, “яшил” иқтисодиёт ва “яшил тараққиёт”, айниқса, “яшил” энергия соҳаларини жадал ривожлантириш, “яшил” тикланиш ва углерод нейтраллигини таъминлаш, “яшил” энергия, ичимлик суви, йўл-транспорт инфратузилмасини тақомиллаштириш каби масалаларни самарали ҳал этиш билан бевосита боғлиқ.

Ҳозирда Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия соҳасида Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг 600 миллион евро маблағлари иштирокида йирик лойиҳалар бошланган. Айниқса, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари мамлакатимизда йирик кўёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмокда. Шу йилнинг ўзида 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттли қувватлар ишга туширилади.

Бир пайтнинг ўзида “яшил тараққиёт”га эришиш учун “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва уни ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб этмокда. Шу мақсадда номзодимиз томонидан қуйидаги долзарб вазифалар белгиланган:

- қайта тикланувчи энергия манбаларини **25** минг мегаваттга, уларнинг улушини ҳозирги **14** фоиздан **40 фоизга** етказиш;
- 2024 йилдан бошлаб саноатда **“яшил сертификат”**лар бозорини яратиш;
- автобусларни тўлиқ экологик тоза электр ёки газ ёқилгисига ўтказиш;
- барча янги уйлар ва асбоб-ускуналарга энергия тежаш бўйича талабларни жорий этиш.

Натижада иқтисодиётда энергия самардорлиги 2 қарра ошиб, 2030 йилга бориб **50** миллиард киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилади. Янги станциялар ишга тушиши билан **10** минг километр магистраль ва **110** минг километр ҳудудий электр тармоқлари барпо этилади.

Инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар

Сўнгги олти йилда аҳоли ва бизнес, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш

эҳтиёжларини инobatта олиб, инфратузилмани ривожлантириш борасида қатор тизимли чора-тадбирлар қўрилди. Хусусан, автомобиль ва темир йўллари, ичимлик сув ва алоқа тармоқларини қуриш олдинги йиллардагига нисбатан 2,3 баробар кўпайди.

Номзодимиз навбатдаги долзарб вазифалар сифатида қуйидагиларни белгилади:

- **биринчидан, темир йўл** соҳасини янада ривожлантириш мақсадида: Тошкент — Самарқанд, Навоий — Бухоро йўналишларида қўшимча тезюрар темир йўллари қуриш, электрлашган темир йўллари улушини 43 фоиздан 65 фоизга етказиш. Энг муҳими, темир йўл соҳасига хусусий сектор жалб қилиниб, хизматлар сифати рақобатбардoш нархлар асосида белгиланади;
- **иккинчидан, ҳаво алоқалари ва хизматларини** ривожлантириш борасида авиақатновлар сони **4** марта оширилади, **6** та йирик аэропорт модернизация қилинади, хусусий авиакомпаниялар сони **10** тага етказилади;
- **учинчидан, автомобиль йўллари**ни ривожлантириш йўналишида: 2030 йилга қадар туман марказларидан ҳар бир қишлоққача — жами **5,5** минг километр цемент-бетон йўллар қуриш ва жамоат транспорти билан тўлиқ қамраб олинishi-га эришилади, **Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Фарғона водийси** йўналишларида хусусий шериклик асосида янги автомобиль йўллари қурилади, хусусий сектор иштирокида **56** минг километр йўллар реконструкция қилинади. Натижада йўловчи ва юк ташийш ҳажми 3 баробар кўпайтирилади;
- **тўртинчидан**, 2030 йилга қадар **барча аҳоли пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланади.** Бунга 2,5 миллиард доллар йўналтирилиб, аҳолининг учун ўта долзарб бўлган ушбу муаммонни тўла ҳал қилишга эришिलाди;
- **бешинчидан**, барча қишлоқ ва овуллар **интернет** билан тўлиқ қамраб олинишига эришиб, унинг тезлиги **10** қарра оширилади.

Янги Ўзбекистон — инвестицион жозибадор давлат

Ўзбекистонга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 3 қарра кўпайиб, ўтган йилнинг ўзида **10** миллиард доллардан ошди.

Европанинг “Глобал дарвоза” стратегияси доирасида транспорт-логистика инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган кенг инвестициявий ва технология шериклик кун сайин самарали натижа бермокда. Масалан, биргина Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳажми “GSP+” тартиби туфайли 2023 йил бошидан буён қарийб **70** фоизга ўсди.

2017 — 2022 йилларда Ўзбекистон халқаро **Иқтисодий эркинлик индекси** умумий рейтингидида ўз ўрнини 31 поғонага яхшилаб, **148**-ўриндан **117**-ўриндан кўтарилди. **“Иқтисодий эркинлик индекси — 2023”**да Ўзбекистон **176** мамлакат орасида **56,5** балл билан **109**-ўринни эгаллагани қайд этилган. Буларнинг барчаси юртимизда юзлаган келаётган қўлай инвестициявий муҳит халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганидан дарак беради.

Соҳада бажарилиши зарур бўлган навбатдаги вазифалар сирасига **номзодимиз** дастурига қуйидагилар киритилган:

- **биринчидан**, 2030 йилгача **250** миллиард доллар миқдоридида инвестициялар, шу жумладан, **110** миллиард доллар хорижий инвестициялар ҳисобига **40** миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасида жалб этиш;
- **иккинчидан**, банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини ҳозирги 18 миллиард доллардан 40 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ дастурларни амалга ошириш;
- **учинчидан**, банк тизими ислохотлари доирасида банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш ва банкларни хусусийлаштиришни тезлаштириш;
- **тўртинчидан**, банк бозорига яна камиди 4 та йирик нуфузли чет эл банки кириб келиши ҳамда новабн молиявий хизматларини кенгайтириш учун имконият яратиш;
- **бешинчидан**, қимматли қоғозлар бозори ҳажмини **10** миллиард долларга етказиш;
- **олтинчидан**, хусусий жамғариб бoриладиган пенсия тизимини ташкил этиш учун барча қонуний асосларни яратиш.

Хусусий сектор — барқарор иқтисодий ўсиш гарови

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари шуни кўрсатмокдаки, хусусий сектор мамлакатлар тараққиётининг драйвер соҳасига айланган. Зеро, иқтисодиётнинг хусусий сектори, жумладан, инновацияларни рағбатлантириш, ялпи ички маҳсулот ҳажми ва экспорт салоҳиятини ошириш, асосийси, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш каби соҳаларда ўта муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда барча иш

ўринларининг қарийб 90 фоизи хусусий сектор томонидан яратилмокда.

Сўнгги йилларда юртимизда **номзодимиз Шавкат Мирзиёевнинг “мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда фақат ва фақат хусусий секторга таянамиз”**, деган гоясига асосланиб, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг драйвери бўлган хусусий сектор учун кенг йўл очил борасида:

- хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **80** фоизга ва экспортдаги улушини **60** фоизга етказиш ишлари йўлга қўйилган;
- давлат иштироки сақланиб қолаётган товар ва хизматлар бозорини эркинлаштириш ҳамда ушбу соҳаларга хусусий секторнинг кириб келиши учун шароит яратиш, монополияга қарши органнинг институционал салоҳияти ва ваколатини кучайтириш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш чоралари қўрилмокда;
- давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштириш жадаллаштирилмокда;
- пул ва капитал бозорлари янада эркинлаштирилмокда.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси тадқиқотларида айтилишича, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга қаратилган бир қанча муҳим ислохотларни амалга оширди. Жумладан, хусусий сектор инвестициялари кўпайиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишига, аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам бермокда.

Ижро ҳокимияти тизими ислоҳ қилиниб, бюрократия камайитрилди. Давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган **500** та функцияси бекор қилинди, **70** таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Номзодимиз дастурида иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига ўтказиш бўйича ишларни давом эттириш борасида қуйидагилар таклиф этилди:

- **биринчи**, темир йўл хизматлари, автомобиль йўллари қуриш ва бошқариш, газ ва электр етказиб беришни хусусий секторга ўтказиш;
- **иккинчи**, ирригация, чиқиндини қайта ишлаш, ижтимоий объекتلарда энергетика ва иссиқлик таъминоти тизимини бошқаришга давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш;
- **учинчи**, хусусийлаштириш дастури доирасида давлат улуши мавжуд корхоналарни 6 баробарга камайитириш бўйича ишларни амалга ошириш;
- **тўртинчи**, 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиб, уларга хусусий секторни кенг жалб этиш. Келгусида фақат магистраль энергия ва транспорт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфсизлиги билан боғлиқ соҳалар давлат тасаруфиди қолади;
- **бешинчи**, 2030 йилга қадар иқтисодиётда нoдавлат сектор улушини **85** фоизга етказиш.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш — келажакни қўллаб-қувватлаш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилди. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингдан ортиқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Уларга асосан **114** та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, **33** та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 баробарга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар ва хомашё бўйича қўллаб-қечловларга барҳам берилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга **уч йиллик мораторий** ўрнатилди.

Сўнгги олти йилда иш ҳақига солиқ юки **2 баробар** камайитрилди, қўшилган қиймат солиғи **20 фоиздан 12 фоизга** туширилди.

Солиқларнинг умумий сони **13** тадан **9** тага қисқарди, айрим солиқ ставкалари 2 баробар камайитрилди.

Энг муҳим иқтисодий ислохотлардан бири, бу — **миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмининг асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш** орқали ички валюта бозорининг босқинча-босқин либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди. Шу билан бирга, пул-кредит сиёсати соҳасида қўламли ислохотлар амалга оширилди, жумладан, тўлов тизимлари

ривожлантирилди, чет эл валютасини сотиб олиш имкони яратилди, нақд пул муаммоси ҳал этилди, узлуқсиз ишловчи автоматлаштирилган банкоматлар фаолияти йўлга қўйилди.

Биргина **“Хар бир оила — тадбиркор”** дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга **5,9** триллион сўм кредит ажратилди. Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки **1,5** баробар камайитрилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида **500** мингтага кўпайди.

Натижада тадбиркорлар сони **2** баробар ошди. Бир сўз билан айтганда, **тадбиркорлар синфи жамиятимизда ривожини таъминловчи куч, ислохотлар драйверига айланди.**

Номзодимиз келгусида бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида:

- расмий сектор — нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитлар яратиш;
- солиқ тизимини соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш;
- бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғи бўйича ставкалар оширилмаслигини қатъий кафолатлаш;
- 2024 йилдан бошлаб янги уй-жой сотиб олган аҳолига қўшилган қиймат солиғининг ярми қайтариб бериладиган тизимни жорий этиш, қурилишдаги ҳисоб-китоблар шаффоф бўлишини таъминлаш;
- қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг **50** фоизини қайтариш амалиётини йўлга қўйиш;
- Ижтимоий реестрга киритилган аҳолини ишга олган корхоналарга ходимининг даромад солиғини ҳам қайтариб бериш;
- вақтида солиқ тўлаётган корхоналарда қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддатини бир кун этиб белгилан, бундай корхоналарда солиқ текширувлари ўтказилмаслик ва уларга давлат харидларида устуниқ бериш;
- **“Очиқ мулоқот”**лар орқали бизнес муаммоларини ҳал қилиш, бизнесга ноконуний аралашувга йўл қўймаслик ва хусусий мулк дахлсизлиғи сиёсатини қатъий давом эттиришни таклиф қилди.

Қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш — барқарор иқтисодий тараққиёт асоси

Аграр соҳани янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш муҳим устувор вазифадир. Шу боис сўнгги йилларда соҳани тубдан ислоҳ этиш, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардoш, юқори қўшилган қийматли қишлоқ ҳўжалиғи ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қўлай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган вазифалар амалга оширилди.

Президент Фармони билан Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди ва ҳаётга жорий этилмокда. Қишлоқ ҳўжалиғи соҳасидаги кластерлар ва кооперациялар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмокда.

Номзодимиз Шавкат Мирзиёев дастурида соҳадаги ислохотларни янги босқинга кўтарувчи 2030 йилгача қишлоқ ҳўжалиғида бир гектардан олинадиган ўртача даромадини **3 минг** доллардан **5 минг** долларга етказишга қаратилган қатор қуйидаги устувор вазифалар белгиланган:

- ҳосилдорликни пахта бўйича ўртача **45 — 50** центнерга, ғалла бўйича **80 — 85** центнерга ошириш;
- қўшимча **300** минг гектар майдонни ўзлаштириш ва уларда интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этиш;
- маҳаллий сабзавот, полиз, картошка уруғлик таъминотини ҳозирги **15** фоиздан **50** фоизга етказиш;
- қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлашни **8** фоиздан **25** фоизга ошириш;
- агротармокда **2,5** миллион тонна қуватта эга бўлган **100** та янги лoгистика марказини ишга тушириш;
- соҳада экспорт ҳажмини ҳозирги **1,6** миллиард доллардан йилига **10** миллиард долларга етказиш, соҳага жами **15** миллиард доллар инвестициялар жалб этиш;
- қишлоқ ҳўжалигини иқлим ўзгаришларига мос ҳолда ривожлантириш, тупроқ ва яйловларда дeгpадациянинг олдини олиш бўйича Миллий дастур қабул қилиш.

Нодир ЖУМАЕВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутoлари, ЎзЛидеП фракцияси аъзолари.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.55 Тошпирилди — 01.40 1 2 3 4 5 6